

**ВИДЕОКУЗАТУВ ВА ШАХСНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ
ТИЗИМИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КҮРСАТИШШАРТНОМАСИ**
464-сон

Тошкент шаҳри

2022 йил 29 июль

“Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази” давлат муассасаси (қисқартирилган номи “Хавфсиз шаҳар” маркази), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи Устав асосида ҳаракат қилаётган директори Ш.Ташпулатов биринчи томондан ва “SMART TECHNOLOGY SYSTEMS” маъсулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталувчи Устав асосида ҳаракат қилаётган директори А.Саттаровиккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”, алоҳида эса “Томон” деб аталувчилар қуидагилар тўғрисида ушбу видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизимига техник хизмат кўрсатиш шартномани(кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1 Ушбу Шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғига мувофиқ ушбу шартномада белгиланган муддатда **“Таълим муассасаларига кириш тест синовлари ўтказиладиган объектларда видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизими”**га (кейинги ўринларда - Тизим) техник хизматларни кўрсатиш (кейинги ўринларда – хизмалар), Буюртмачи эса хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Хизматларнинг таркиби ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловасида акс эттирилган “Таълим муассасаларига кириш тест синовлари ўтказиладиган объектларда видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизими”га техник хизмат кўрсатиш Техник талаблари (кейинги ўринларда – Техник талаблар)да белгиланган.

2. Хизматларни кўрсатиш муддати

2.1. Ушбу шартнома бўйича хизматларни кўрсатиш муддати: шартноманинг 3.4.1-бандида кўрсатилган олдин тўлови Ижрочига ўтказилган вақтидан бошлаб 30 кун давомида.

2.2. Хизматлар Техник талабларнинг 3.4.-бандида кўрсатилган муддатларда кўрсатилади, яъни қуидаги босқичларда:

1-босқич: Тизимни созлаш: 3.4.1-бандида кўрсатилган олдин тўлови Ижрочига ўтказилган вақтидан бошлаб **6 кун мобайнида**;

2-босқич: Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш вақтида: **2022 йил 8 августдан то 19 августгача** ҳамда **24 августдан то 29 августгача**;

3- босқич: Профессионал таълим муассасаларига кириш тест синовларини ўтказиш вақти: **2022 йил 19 сентябрдан то 24 сентябргача**.

2.3. Давлат қабул комиссияси томонидан таълим муассасаларига кириш тест синовларни ўтказиш муддатларини ўзгартирганда 2.2-бандида кўрсатилган босқичларнинг муддатлари Томонлар томонидан келишув битимлари тузиш йўли билан мувофиқлаштирилади. Бунда шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш муддати ўзгармай қолади.

3. Шартноманинг нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1 Ушбу Шартномабўйича хизматларнинг нархи ҚҚС билан **1 775 000 000 (бир миллиард етти юз етмиш беш миллион) сўм**.

3.3 Шартнома бўйича хизматларнинг нархи ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 2-иловада акс эттирилган “Таълим муассасаларига кириш тест синовлари ўтказиладиган обьектларда видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизими”га техник хизмат кўрсатиш Спецификациясида (кейинги ўринларда-Спецификация) кўрсатилган ҳаражатларидан иборат.

3.4 Ушбу Шартнома бўйича ҳисоб-китоблар нақд пулсиз Ижрочининг банк ҳисоб-варагига қуйидаги тартибда пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

3.4.1 Ушбу Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нархидан **30 фоизи**, яъни **532 500 000 (беш юз ўттиз икки миллион беш юз минг) сўм** миқдоридаги олдиндан тўлови Буюртмачи томонидан, ушбу Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.4.3 Буюртмачи ушбу Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг **20 фоизини**, яъни **355 000 000 (уч юз эллик беш миллион) сўмни** Томонлар 1-босқичи бўйича кўрсатилган хизматларни топшириш қабул қилиш оралиқ далолатномани имзолаган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни давомида Ижрочининг банк ҳисоб-варагига ўтказиб беради.

3.4.2 Буюртмачи ушбу Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг **25 фоизи**, яъни **443 750 000 (тўрт юз қирқ уч миллион етти юз эллик) сўмни** Томонлар хизматларнинг **2-босқичи** бўйича кўрсатилган хизматларни топшириш қабул қилиш оралиқ далолатномани имзолаган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни давомида Ижрочининг банк ҳисоб-варагига ўтказиб беради.

3.4.3. Буюртмачи ушбу Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг **25 фоизи**, яъни **443 750 000 (тўрт юз қирқ уч миллион етти юз эллик) сўмни** Томонлар кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш якуний далолатномани имзолаган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни давомида Ижрочининг банк ҳисоб-варагига ўтказиб беради.

4. Хизматларни кўрсатиш ва топшириш-қабул қилиш тартиби

4.1 Буюртмачи Ижрочига Тизимни созлаш бўйича хизматларни кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотларни ушбу Шартнома бўйича хизматларни кўрсатишдан 3 (уч) кун олдин тақдим қиласди.

4.2 Ижрочи Буюртмачи томонидан тақдим қилинган маълумотларни 1 (бир) иш куни давомида кўриб чиқади ва бошлангич маълумотлар етарли эмас ёхуд бузилган бўлса Буюртмачига 1 (бир) иш куни давомида хабар беради. Бунда ишларни кўрсатиш муддати Буюртмачи томонидан бошлангич маълумотлардаги камчиликларни бартараф этиш муддатига узайтирилади.

4.3 Буюртмачи Ижрочи ушбу шартнома бўйича шу жумладан Техник талабларга мувофиқ хизматларни кўрсатиш учун ҳар томонлама куллаб қувватлашни ташкиллаштиради.

4.4 Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматларда камчиликлар аниқланганда Ижрочи камчиликларни дарҳол ва ўз ҳисобидан бартараф этади.

4.5 Ушбу шартнома бўйича хизматлар Томонлар томонидан хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномани имзоланган пайтидан бошлаб кўрсатилган ҳисобланади.

4.6 Ижрочи Буюртмачига хизматларни топшириш - қабул қилиш далолатномани тақдим этади. Буюртмачи хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномани 3 (уч) иш кунида давомида имзолайди ва бир нусхасини Ижрочига йўллайди.

4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

5.1.1. Хизматларни ушбу Шартномага, Техник талабларга ва Буюртмачи томонидан тақдим қилинган маълумотларга мувофиқ кўрсатиш;

5.1.2. Хизматларни Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳани тартибга солувчи стандартлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ кўрсатиш;

5.1.3. Тайёр бўлган хизматларни Буюртмачи билан келишиб олиш;

5.1.4. Хизматларни шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачига топшириш;

5.1.5. Буюртмачининг розилигисиз ушбу Шартнома доирасида олинган маълумотларни учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

5.1.6. Хизматларда камчиликлар аниқланган тақдирда Буюртмачининг талаби билан камчиликларни дарҳол ва бепул бартараф этиш, шунингдек, Буюртмачига келтирилган ҳақиқий зарарни ўрнатилган тартида қоплаб бериш.

5.2. Ижрочи қуйидаги хуқуқларга эга:

5.2.1. Буюртмачидан кўрсатилган хизматлар учун тўловни талаб қилиш;

5.2.2. Буюртмачи томонидан ўз мажбуриятларини кўрсатилмаган тақдирда, ушбу Шартномадан назарда тутилган хизматларни кўрсатишга имконияти мажуд эмаслиги тўғрисида далолатнома тузган ҳолда хизматларни кўрсатишдан воз кечиши.

5.3 Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.3.1 ушбу Шартнома бўйича барча кўрсатилган хизматлар учун нархини Ижрочига тўлаш;

5.3.2 ушбу Шартнома доирасида маълумотларни, шунингдек дастурий маҳсулотларга лицензияларни 1.1. бандида кўрсатилган мақсадларга фойдалиниши, Ижрочининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

5.3.3 ушбу Шартнома кўрсатиш учун маълумотларни белгиланган муддатда ва лозим бўлган ҳажмда тақдим этиш;

5.3.4 хизматларни кўрсатиш учун маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ шартномада белгиланмаган ҳаражатларни Ижрочига қоплаш. Бунда ушбу ҳаражатларда зарурат пайдо бўлганда Ижрочи Буюртмачини дарҳол ҳабардор қилиш шарт. Акс ҳолда, Буюртмачи бундай ҳаражатларни қопламасликка хуқуқига эга бўлади;

5.4 Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга:

5.4.1 ушбу Шартнома шартларига мувофиқ хизматларни кўрсатилишига кўмаклашиш учун масъул мутахасисларни белгилаш;

5.4.2 хизматларини сифатини оширишва тезкор масалаларни ҳал этиш мақсадида Ижрочининг техник хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ижрочинингтехник хизматлари йигилишларида қатнашиш;

5.4.3. Ижрочи томонидан ўз мажбуриятларини бузган тақдирда ушбу Шартномадан воз кечиши. Бунда Шартнома бўйича ҳисоб китоблар ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар бўйича амалга оширади (ушбу Шартноманинг 8.5-банди тартибида)..

5.4.4. хизматларнинг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан Ижрочини ишда қатнашиш учун жалб қилиш;

5.5 Ушбу Шартноманинг томонлари конун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга хуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда амалдаги қонун хужжатларида ва ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

6.2 Хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда Ижрочи Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг кўрсатилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Кўрсатилган хизматлар маълумотларда белгиланган шартларга ҳамда стандартларга мос келмаса, Буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларни нархини тўлашни рад этиб, Ижроидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга ва тўланган олдиндан тўловни қайтаришини талаб қилишга ҳақли.

Сифати лозим даражада бўлмаган хизматларни кўрсатилганлик учун жарима Ижроидан акцептсиз тартибида ундириб олинади.

6.4 Ушбу Шартнома бўйича ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижроига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизидан миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.5 Мажбуриятларни бажармаслик бартараф қилиб бўлмайдиган омиллар, хусусан, ёнғин, табиий оғат, уруш, ҳарбий харакатлар, блокада ёки экспорт ёхуд импортни тақиқлаш, бюджет ва унга тенглаштирилган манбаилари хисобидан молиялаштираслик, умум карантин кабилар таъсири натижасида содир бўлган тақдирда, agar ушбу шароитлар ушбу Шартноманинг кўрсатилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, Томонлар ўз мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарлиқдан озод этиладилар. Айни пайтда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни кўрсатиш муддати ушбу шароитлар таъсир кўрсатган муддатга teng равишда сурилади.

Форс-мажор шароитига тушиб қолган Томон Форс-мажор шароитига бошланганилиги ҳақида иккинчи Томонни ушбу шароитга тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни муддатида огохлантиради.

7. Хизматларга сифат кафолати

7.1 Ижрочи ушбу Шартнома бўйича кўрсатилаётган хизматларнинг хаёт хавфсизлиги, согликни саклаш ва сертификациялаштириш талабларига, хавфсизликка (санитариямеърлари ва қоидаларига) мувофиқлигини кафолатлади.

7.2 Ижрочи учинчи шахсларда Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматларни кўрсатишга қаршилик қилиш ёки кўрсатишни чеклаш хуқуки йўқлигини кафолатлади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати. Шартномани ўзгартериши ва бекор қилиш

8.1 Ушбу Шартнома Томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилинади.

8.2 Ушбу Шартнома Томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартерилиши мумкин.

8.3 Ушбу Шартнома Томонлардан бирининг ташаббуси билан, agar иккинчи Томон Шартномани бўзган бўлса, бекор қилиниши мумкин. Ташиббус килувчи Томон иккинчи Томонга тахмин қилинаётган бекор қилиниш санасигача 10 (үн) кун олдин Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар йўллади.

8.4 Ушбу Шартноманинг 6.5-бандида кўрсатилган шароитлар 2 (икки) ойдан узоқ давом этган тақдирда, ҳар қайси Томон Шартномани бир томонлама тартибида бекор қилишга ҳақли бўлади.

8.5 Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, Томонларга ўзаро хисоб-китобамалга ошириш мажбурияти юкландади.

9. Низоларни хал қилиш тартиби

9.1 Ушбу Шартномани кўрсатиш билан боғлиқ Томонлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар музокаралар орқали ҳал этилади.

9.2 Томонлар низоларни хал этишининг талабнома билдириш (судгача) мажбурий тартибини ўрнатадилар.

Хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган Томон талабномани почта алоқаси фойдаланилган ҳолда (шу жумладан, экспресс-пошта) ушбу Шартноманинг 13-бўлимда кўрсатилган манзилгажўнатадиёки ёхуд тилхат олиб топширади.

9.3 Ўзига талабнома билдирилган Томон талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida унга жавоб қайтариши шарт..

9.4 Келишувга эришилмаган тақдирда, Томонлар низони ҳал этиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига беришга мурожаат қилиш хукуқига эга.

10. Коррупцияга қарши шартлар

10.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини кўрсатишда Томонлар, уларга бириктирилган шахслар, ходимлар ёки воситачилар ҳеч бир шахсга қандайдир гайрихукукий устунлик ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш ниятида ушбу шахсларнинг ҳаракати ёки қарорларига таъсир кўрсатиш учун қанчадир пул маблағи ёки кимматбаҳо нарсаларни бермайдилар, беришни таклиф этмайдилар ва тўловни бевосита ёки билвосита амалга оширмайдилар.

10.2 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини кўрсатишда Томонлар, уларга бириктирилган шахслар, ходимлар ёки воситачилар ушбу Шартнома мақсадларига тадбик этиладиган қонунчилик томонидан пора бериш-олиш, тижорат мақсадида пора билан ўзига оғдириш сифатида квалификация қилинувчи ҳаракатларни ҳамда жинойй йўллар билан орттирилган даромадларни қонунийлаштиришга қарши қаратилган тегишли қонунчиликва ҳалқаро актлар талабларини бузувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди.

10.3 Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири иккинчи томон ходимларини ҳар қандай йўл билан, шу жумладан, ходимни муайян тобеликка тушириб кўядиган ва ушбу ходим томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига маълум бир ҳаракатларни амалга оширишишга қаратилган пул маблағи ва совфа тақдим этиш, улар учун бирор иш (хизмат)ни беғараз адо этиш ҳамда ушбу бандда номлари келтирилмаган бошқа воситалар билан рағбатлантиришдан сақланади.

Ходимнинг рағбатлантирувчи Томон фойдасига амалга оширадиган ҳаракатлари қуйидагиларни назарда тутади:

- бошқа контрагентларга нисбатан ўзини оқламайдиган устунлик бериш;
- қандайдир кафолатларни бериш;
- мавжуд жараёнларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз лавозими мажбуриятлари доирасида кўрсатиладиган,

аммо Томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги принципига зид келувчи бошқа ҳаракатлар.

10.4 Бирор Томонда коррупцияга қарши шартлардан бирортасининг бузилиши содир бўлганлиги ёки бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғилган тақдирда, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда бундан хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма

равища хабардор қилингандан сўнг тегишли Томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини кўрсатишни то бузилиш содир бўлмаганилиги ёки бўлмаслигининг тасдиги олинмагунча тўхтатиб туриш хукуқига эга бўлади. Мазкур тасдик хабардор қилиш хати жўнатилган санадан бошлаб 10 (үн) иш куни давомида жўнатилиши керак.

10.5 Хабардор қилиш хатида Томон фактларга ҳавола қилиши ёки контрагент, унга бириктирган шахс, ходимлар ёки воситачилар тегишли қонунчиликда пора бериш ёки олиш, тижорат мақсадида пора билан ўзига оғдириш сифатида квалификация қилинувчи харакатларни ҳамда жиноий йўллар билан орттирилган даромадларни қонунийлаштиришга қарши қаратилган тегишли қонунчилик ва ҳалқаро актлар талабларини бузувчи ҳатти-харакатларнинг содир этилганлиги ёки этилиши мумкинлигини тасдиқловчи ёки тахмин қилишга асос бўлувчи материалларни тақдим этиши шарт.

10.6 Ушбу Шартноманинг Томонлари коррупцияни олдини олиш амалларини тан оладилар ва уларга риоя этилишини назорат қиласидилар. Айни пайта Томонлар коррупцион фаолиятга жалб этилган бўлиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишчи алоқаларга киришиш хавфини минималлаштириш учун оқилона ҳаракат қиласидилар ҳамда коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Бунда Томонларнинг коррупцион фаолиятга аралашиб қолишлари хавфини бартараф қилиш мақсадида Томонлар текширувлар ўтказиш бўйича амалларнинг кўрсатилишини таъминлайдилар.

10.7 Коррупцияга қарши текширувларни ўтказиш мақсадида Ижрочи ушбу Шартнома тузилган лаҳзадан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида ҳамда ушбу Шартнома амалда бўлган ҳар қандай вақтда Буюртмачининг сўровномасига кўра Буюртмачига Ижрочининг мулкдорлари, шу жумладан, бенефициарлари (охиргиси билан бирга) занжири ҳақидаги маълумотни тақдим этиш мажбуриятини олади.

Етказиб берувчи бундай маълумотни тақдим этиш мажбуриятини бажармаган тақдирда, Буюртмачи Шартномани кўрсатишдан бир томонлама бош тортишга ҳақли бўлади. Бундай холатда Шартнома Ижрочи Буюртмачининг Шартномани кўрсатишдан бош тортиши ҳақидаги ёзма хабарни олган санадан ёки ёзма хабарда кўрсатилган бошқа санадан бекор қилинган ҳисобланади.

Ушбу бандда кўрсатилган шартлар ушбу Шартноманинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

10.8 Томонлар ўзларнинг эҳтимолий ғайрихукукий ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларининг бузилиши нохуш оқибатларга – контрагентнинг ишончлилик рейтингининг тушиб кетишидан тортиб то конрагент билан ҳамкорликнинг сезиларли даражада чекланиши ва охир-окибат ушбу Шартноманинг бекор қилинишигача – олиб келиши мумкинлигини тан оладилар.

10.9 Томонлар ушбу Шартноманинг кўрсатилиши доирасида тақдим этилган фактлар юзасидан ўтказилган муҳокамаларнинг ошкор этилмаслигини ва амалий қийничиликларни бартараф қилиш ва низоли вазиятлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўллаш кафолатини берадилар.

10.10 Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларининг ижроси масалалари бўйича тўлиқ конфиденциалликни таъминлашга ва умуман мурожаат қилувчи томонлар учун ҳамда мурожаат қилувчи Томоннинг бузилиш факти тўғрисида хабар берган муайян ходимлари учун салбий оқибатларнинг келиб чиқмаслигига кафолат берадилар.

11. Якуний қоидалар

11.1 Ушбу Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларга амал қиласидилар.

11.2 Ушбу Шартнома кучга киргантайтдан бошлаб Шартнома юзасидан олиб борилган аввалги ёзишмалар ва музокарадар ўз кучини йўқотади.

11.3 Томонлардан ҳеч бири иккинчи Томоннинг ёзма розилигисиз ушбу Шартнома доирасидаги ўз хуқуqlари ёки мажбуриятларини бирор учинчи шахсга ўтказа олмайди.


11.4 Томонларнинг номланиши, тўлов ёки бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда, иккинчи Томонни бу ҳакда зудлик билан хабардор қилиниши лозим.

11.5 Ушбу Шартнома тенг юридик кучга эга бўлган Томонларнинг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

12. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

БУЮРТМАЧИ
“Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг
“Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига
кўмаклашиш маркази” давлат
муассасаси

Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор
тумани, Қирқ қиз кўчаси, 10-А
Х/р: 2021 0000 9002 6389 9001
ОПЕРУ АК «Алока банк» г. Ташкента
Банк коди: 00401
СТИР: 302 740 502
ОКЭД: 84112
Тел.: 71 207-20-97, 71 207-10-97

Директор  Ташпулатов Ш.
М.ў.



ИЖРОЧИ
“SMART TECHNOLOGY
SYSTEMS” маъсулияти чекланган
жамият

Манзил: Тошкент, Себзор м.17/18,
34-уй, 265-хона.
Х/р: 20208000900 742 366001
ЎзР ТИФ Миллий банки Амалиет
бошқармаси Тошкент шаҳри
Банк коди: 00 451
СТИР: 304 704 282
ОКЭД: 46 439
Тел/факс: (78) 147-1500, (78) 147-1400
КҶС тўловчиси раками: 326090018145

Директор  А.Саттаров
М.ў.

